

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 224 (10.277)

2004 ЙИЛ 17 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИЗМИЗ

● **БУГУН** Сергели туманидаги 301-мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши сардорлари учун «Камолот — бу сенинг ташкилотинг» шиори остида ўқув семинари ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТ** молия институтида сиёсий партиялар вакиллари, «Маънавият ва мариюфат» марказининг Юнусобод туман бўлими ходимлари, талабалар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Икки палатали парламентга сайлов» деб номланди.

● **ЎТГАН** куни шаҳримиздаги «Кипчоқ» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлар, Тошкент Давлат юридик институти талабалари иштирокида «Янги парламент — менинг келажгим» мавзусида тадбир уюштирилди.

● **ШАҲРИМИЗГА** Россиянинг Пермь вилоятидан келган тадбиркорлар билан мамлакатимиз ишбилармонлари ўртасида ўзаро мулоқот ташкил этилди. Унда икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш хусусида сўз борди.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари иштирокида уюштирилган давра суҳбати олий таълимнинг истиқболли йўналишларига бағишланди.

● **БЕКТЕМИР** туманида Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб ўтказилган хайрия тадбирида тумanning фаол аёллари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

Маълумки шу йилнинг 26 декабрида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Айниқса, бу борада халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ ташкил этилган сайлов участкаларида айни дамда ишлар қизғин.

Сайлов комиссиялари аъзолари сайлов жараёни билан қизиқиб, савол билан мурожаат қилаётган фуқароларга тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилмоқдалар.

СУРАТДА: Сергели туманида жойлашган 301-сайлов участкаси раиси (ўртада) Дилшод Дадабоев сайлов участкаси аъзолари билан навбатдаги иш режаларини белгилаб олмақда.

Ҳақимжон Солихов олган сурат.



26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик
палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ҚАНДАЙ ЎРТИЛАДИ?

килинди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида ана шу икки ҳужжат ижроси билан боғлиқ масалаларга бағишлаб матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзтелефрадиокомпания, ахборот агентликлари, даврий нашрлар раҳбарлари, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхужаев айни пайтда сиёсий партиялар раҳбарлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакиллари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш билан боғлиқ ҳужжатларни тегишли тартибда Марказий сайлов комиссияси-

га топширганлигини таъкидлади. Яқин кунларда Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларни рўйхатга олади ва ўша кундан эътиборан сайлов кампаниясининг муҳим босқичи — сайловолди ташвиқоти бошланади.

Ҳўш, оммавий ахборот воситалари, журналистлар сайловолди ташвиқоти жараёнини қандай ёритида? Албатта, ушбу жараёнда тенглик тамойили, очкичлик, ошқоралик, ҳолислик ва ҳаққонийлик асосий мезон бўлмоғи керак. Бу галги сайлов кампаниясига хос янгича жиҳатларга қўра, сайловолди ташвиқоти муқобиллик, бепул ва муайян ҳақ тўлаш асосида, шу билан бирга, қонунда белгиланган тартиб-қоидалар доирасида ёритилиши шарт.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов қайд этганидек, сайлов тўғрисидаги миллий қонунлар, шу негизда ишлаб чиқилган шашка меъёрий ҳужжатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун бу борада муҳим дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

Анжуманда номи зикр этилган Қарор ва Низомга, шунингдек, сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари сайловолди ташвиқоти материалларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш жадвалларига амал қилиш йўл-йўриқлари, сайловолди ташвиқотига доир бошқа масалалар атрофида муҳокама этилди.

Ғулом МИРЗО,
ЎЗА мухбири

Обуна — 2005

Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига 2005 йил учун обуна қизгин давом этмоқда. Бунга тахририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам бил-

«ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

са бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётнинг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, республикамизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истagan инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқди. Қайсики, нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчи га манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета ва журналлар қатори «Оқшом» тахририяти ҳам ўз ихлосмандларининг тақлиф ва истақларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада

ўқимшироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги рухлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатдўй бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи киради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563.

XVI саҳоси

Барча навбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Кеча Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Архивлар тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

● Фарғона вилоятида республика Давлат мулки кўмитаси шафлигида ўтказилган семинар-мулоқот инвестициянинг мамлакатимиз иқтисодиёти ва хусусий бизнес ривожигади ўрнига бағишланди.

● Эртага Тошкентда «Интернет ва кутубхона — ахборот ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш» мавзусида халқаро конференция бошланади.

● Самарқанд шаҳрида юксак меъморий услубда бунёд этилган Хотира майдони очилди. Мажмуанинг умумий майдони бир гектардан ортиқроқ бўлиб, унинг атрофи бог-роғ билан ўралган.

● Хўжалик ҳисобидаги «Иккиламчирометалл» бошқармаси жамоаси темир-тераск тайёрлаш бўйича ўн ойлик топшириқни ортиги билан адо этди. Кўзда тутилган 523097 тонна ўрнига 548813 тонна қора металл парчалари ҳозирланди.

● Андижондаги IАТР Интернет маркази ишга тушганига икки йил тўлди. Шу вақт мобайнида унинг хизматларидан 2,6 минг киши фойдаланди. Ҳозирда марказда хоҳловчилар Интернетда ишлашни ўрганишлари, талабалар, мактаб ўқувчилари ва жамоат ташкилотлари ходимлари эса бепул ишлашлари мумкин.

Жаҳонда

● АҚШда давлат котиби Колин Пауэлл истеъфого чиқиш тўғрисида ариза берганлиги расман эълон қилинди. Шундай аризалар кийинчи кундаги таълим ва энергетика вазиридан ҳам тушди.

● Кеча Бельгия пойтахти Брюсселда Россия ва НАТО ўртасида саммит ўтказилди. Унда террорчиликка қарши курашда ҳамкорликда фаолият кўрсатиш тўғрисида сўз борди.

● Исроил Фаластин мухториютига 2005 йил 9 январда ўтказилиши кўзда тутилган сайловларда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрлигини билдирди.

● Европанинг Smart-1 сайёраларо халқаро автоматик станцияси Ой орбитасига чиқди.

● Кеча Австралияда йирик темир йўл ҳалокати рўй берди. Куистенд қишлоғида теъорар поезд издан чиқиб кетиши натижада 100 дан ортиқ киши жараҳатланди.

Иқтисодий

**ШАРТНОМАЛАР
ИМЗОЛАНДИ**

«Кобул-Ўзбек GO LTD» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўша корхонасида айни дамда йилига 38 минг тонна ип калава маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бугунги кунда ушбу корхонада 4000 нафар киши иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилади. Асосан пахта толасидан юкори сифатли ип-калава ва мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўша корхона тadbиркорлари тажрибаси ва саъй-ҳаракатлари асосида ривожланиб бормоқда.

Юкорида таъкидланганидек, корхонанинг йиллик ип калава ишлаб чиқариш ҳажми 38 минг тоннани ташкил этган бўлса, бу ерда йилига 22 миллион погон метр мато ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган махсулотларнинг 98 фоизи чет элга экспорт қилинмоқда. Шуниси қувонарлики, жамоа тadbиркорлари келгуси 2005 йил ишлаб чиқариш режаси учун жами 20 та мамлакатнинг хорижлик истеъмолчилари билан махсулот тайёрлаб бериш тўғрисидаги шартномани имзолашга муваффақ бўлишди ва хозирданок бу борада ишлар бошлаб юборилди.

**МАРМАР
ТОШЛАР
ЖИЛОСИ**


Курилиш ва пардозлаш ишларида, деворларга ва полларга ишлов беришда қўли гул курувчиларимиз хозирда мрамар плиткалардан кенг фойдаланишмоқда. Курилиш ишларида ўзгача гўзаллик ва чирой бағишлаётган бундай турли ҳажм ва шаклдаги мрамар плиткалар айни пайтда шаҳримиздаги «Инвест тош» масъулияти чекланган жамиятда ишлаб чиқарилмоқда.

Асосан 1998 йилдан фаолият бошлаган ушбу жамиятда ўтган йили 25 900 квадрат метр ҳажмдаги 297 миллион 80 сўмлик махсулот ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда корхона ҳамкорлари сафи кенгайиб, махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди.

Хозирда корхонада 40 нафар ишчи Италиядан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида 15x40 миллиметр қалинликдаги, 30x40; 30x30; 30x50 сантиметр узунликдаги мрамар плиткалар ҳамда нақшинкор зина ва зина буткичлари, фаввора ва баласиналар тайёрлашмоқда.

Бундан ташқари корхонада буюртмага кўра мрамар столлар, ёдгорлик тошлари ҳамда хайкалтарошлик услубидаги ёдгорликлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Кесилган тошларни текислаб, унга ўзгача шакл ва ҳажм бериш каби иш жараёни корхона ишчиларидан кунт ва маҳоратни ҳам талаб этади. Хозирда оддий тошдан санъат асарлари даражасидаги махсулотлар ишлаб чиқаришдаги корхонанинг келгусидаги ривожини излашга боғлиқ.

ОРЗУГУЛ РУСТАМОВА



26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни

**САЙЛОВ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият курилиш академиясида «Сайлов технологиялари» мавзuida анжуман ўтказилди. Унда академия профессор-ўқитувчилари, тинловчилар, герианиялик ва маҳаллий экспертлар ҳамда Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Фредрих Эберт жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Чиларнинг кайфияти ва ишончига таъсир қилиш мумкин.

Сайлов кампанияларининг самарали ўтишига ёрдам берувчи сайлов технологиялари хорижий давлатларда анча кенг қўлланилади. Чунки, номзоднинг ҳокимиятда муносиб ўрин эгаллашида бу технология жуда муҳим деб баҳоланади.

Анжуманда Германиянинг бу борадаги тажрибаси ва икки палатали парламентнинг шаклланиш тарихи буйича батафсил маълумот берилди.

Унда иштирок этган хорижий экспертларнинг таъкидлашича, икки палатали парламентлар самарали ишлаши учун аввало уларнинг ҳар икки палатаси яқдилликда фаолият олиб бориши зарур. Агар улар бир-бирига қарши бўлса, бу тизим инқирозга учрайди. Германияда эллик йилдирки икки палатали парламент муваффақиятли ишламоқда.

Ушбу анжуман икки қисмда ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, биринчи қисм сайлов технологиялари мавзусининг назарий жиҳатларини ёритишга бағишланган. Сайловолди кампанияларида сайлов технологияларидан демократик принципларга қатъий амал қилган ҳолда фойдаланиш талаб қилинади. Негаки, айнан ушбу технологиялар асосида сайлов

Маълумки, юртимизда илк мартаба икки палатали парламент шакллантириляпти. Ушбу сиёсий жараёнга республикамиз буйлаб катта тайёргарлик кўрилмоқда. Яъни, икки палатали парламент сайловининг ўтказилиш тартиби, ижобий жиҳатларини халққа етказиш мутахассисларнинг маъсулиятини оширмоқда. Нафақат халқ орасида, балки ўқувчи ва талабалар ўртасида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу борада «Камолот» ЁИХнинг хизмати катта бўлаётир.

Икки палатали парламентнинг афзалликлари

**КЕНГ ТУШУНЧАГА
ЭГА БЎЛИШДИ**

Куни кеча «Камолот» ЁИХнинг Ҳамза туман бўлими Кенгашида сайловга бағишланган тарғибот тadbирларидан бири бўлиб ўтди. «Икки палатали парламент сайловига тайёрмисиз?» мавзuidaги ушбу тadbир «Камолот» ЁИХнинг Ҳамза туман бўлими Кенгаши ташаббу-

си билан уюштирилди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, мактабларнинг «Камолот» сардорлари, маҳалла вакиллари, етакчилар қатнашди. Сўзга чиққанлар икки палатали парламентнинг истиқболлари ҳақида эркин фикр юритдилар.

Унда Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, мактабларнинг «Камолот» сардорлари, маҳалла вакиллари, етакчилар қатнашди. Сўзга чиққанлар икки палатали парламентнинг истиқболлари ҳақида эркин фикр юритдилар.

ТЕРРОРЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

«Интерфакс» ахборот агентлигининг шу йилнинг 14 ноябрь куни тарқатган хабарига кўра, Қозоғистонда Чеченистонда фаолият кўрсатаётган ноқонуний ҳарбий тузилма аъзоси, шу мамлакат фуқароси қўлга олинган.

Бу ҳақда яқшанба куни Қозоғистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Қўмитаси раиси Н.Дутбоев хабар берди.

«Қозоғистон ва Россия худудиди биз РФ Федерал Хавфсизлик Хизмати ходимлари билан ҳамкорликда тadbир ўтказдик. Тadbир давомида Чеченистонда фаолият кўрсатаётган ноқонуний ҳарбий тузилма таркибиди ҳарбий ҳаракатларда қатнашган фуқаро қўлга олинди», — деди у мамлакатнинг умуммиллий телеканалларидан бири «Хабар»нинг яқшанба куни эфирга узатилган «Жети кун» (Етти кун) дастурига берган интервьюсида.

«Шу билан бирга, у Россиядаги террорчилик ҳаракатларини ташкил этишда ҳам иштирок этган деган гу-

монлар бор», — дея таъкидлади МХҚ бошлиғи. Сўнг қўшимча қилди. «Аммо буни исботлаш зарур, тезкорлик билан тadbирлари ўтказиш лозим».

Н.Дутбоевнинг таъкидлашича, қўлга олинган шахс хозир Қозоғистонда ва унга нисбатан сурштирув ишларини айнан республика миллий хавфсизлик органлари олиб боради.

МХҚ раиси ушбу фактни Қозоғистон ва Россия махсус хизмат вакилларининг терроризм ва экстремизмга қарши курашидаги муваффақиятли ҳамкорлигига мисол бўла олади деди.

У, шунингдек, бу борада Қозоғистон хавфсизлик органлари Ўзбекистон ва қирғизистонлик ҳамкасблари билан ҳам самарали ҳамкор-

ликни йўлга қўйганини таъкидлади.

Бундан ташқари, унинг хабар беришича, жорий йилда республика худудиди Туркия фуқароси, Курд ишчи партияси аъзоси қўлга олинган ва турк томонининг илтимосига биноан ўз юртига қайтариб жўнатилган.

Н.Дутбоев МХҚ Қозоғистонга хорижий ишчи кучи сифатида келаятган чет эл фуқароларини ичида террорчи ташкилотлар, шу жумладан Яқин Шарқдаги экстремистик ташкилотларга ҳам аъзолликда гумон қилинаётган шахсларни мунтазам аниқлаётганини қайд этди.

Шу туфайли ўтган ва жорий йилда 20 гав яқин чет давлат фуқароларига Қозоғистонга кириш тақиқланганини ҳам маълум қилди у.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон сайлов қонуничилигидаги ўзгаришлар, Олий Мажлиси сайловларни ўтказишда Марказий сайлов комиссиясининг ўрни, сайлов жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши ва сайловларда иштирок этиш маданияти масалалари буйича фикр алмашилди. 23 ноябрда ўтказиладиган анжуманнинг иккинчи қисми сайловлар уйинини ўтказишга бағишланади. Уйин беш қисмдан иборат бўлиб, унда бешта гуруҳга бўлинган тинловчилар голиблик учун кураш олиб борадилар. Уйин якунида энг яхши командага илк бор академия томонидан таъсис этилган илмий-амалий анжуман голиби кубоги топширилади.

**Алоудин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»**

— Янги тизимда ўтказилаётган сайловлар халқ билан елкама-елка ишлаши, дарду қувончини батафсилроқ ўрганишга, муаммолар ечимини таъминлайдиган қонулар яратишга имкон туғдиради — дейди «Камолот» ЁИХ Ҳамза туман бўлими Кенгаши раиси Ботирали Бобоев. — Аввало элу юрт фидойиси бўлган муносиб номзодни танлаб олишимиз даркор. Бунинг учун уларнинг дастури билан батафсил танишишимиз лозим.

Бу каби тadbирлар ёшларнинг сиёсий билимларини янада оширади. Уларда маъруза жараёнга нисбатан эркин фикр уйғотибгина қолмай, балки дунёқарашини ҳам кенгайиб боради.

Тadbирда йилгилан ёшлар икки палатали парламентнинг афзалликлари ҳақида маълум маънода тушунчага эга бўлишди.

Фарҳод ЭСОНОВ

АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Майкл Козек раҳбарлигидаги делегация вакиллари 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содик Сафоев билан учрашди.

**ТАШҚИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИДА
УЧРАШУВ**

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, алоқаларини янада ривожлантириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилди. Томонлар Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, парламент сайловига тайёргарлик жараёни борасида ўзаро фикр алмашди.

Ташриф давомида М.Козекнинг мамлакатимиздаги қатор идора ва ташкилотларда ҳам учрашувлар ўтказиши режалаштирилган.

ЎЗА

Матбаа

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Мақтаб кутубхоналари фондини янги алифбодда чоп этилган китоблар билан бойитиш шу куннинг муҳим талабидир. Бу борада Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бошлаб берган ташаббус ҳам диққатга сазовордир.

Нашриёт мумтоз адабиёт намуналари, роман, қиссалар, шунингдек халқ оғзаки ижоди асарларини лотин алифбосида кўплаб чоп этиш режасини белгилаб олди. Ўқув адабиётига доир дарсликларга киритилган бадиий асарлар ҳам кўп нусхаларда чиқарилади.

Бундай хайрли иш асосан келгуси 2005 йилдан бошлаб амалга оширилади. Шу муносабат билан ижодий уйда маслаҳатлашув кенгаши ўтказилди. Унда қатнашган ёзувчи, филолог

олимлар бу саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлаб, нашрлар жараёнига ўз муносиб хиссаларини қўшажакларини маълум қилишди.

Мумтоз адабиётларни босмага тайёрлашда улардаги тушунарли сўз ва иборалар учун лўғатлар тузиш мақсадага мувофиқ деб топилди.

Бадиий адабиётларни чоп этишда улар таннархини имкон қадар камайтириш тўғрисида ҳам фикрлар билдирилди.

(Ўз мухбиримиз)

“ЭКСПО ИТАЛИЯ — 2004”

Пойтахтимиздаги мухташам «Ўзэкспомарказ»нинг биринчи павильонида бешинчи технология, жиҳозлар ва тайёр махсулотларнинг «Экспо Италия — 2004» кўргазмаси очилди.

Италия иқтисодининг қарий 80 фоизини кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этади. Шу боис кўргазмага таклиф этилган Италия компанияларининг аксарияти кичик ва ўрта бизнес субъектларидир.

Маъзур кўргазма биринчи мартаба 1999 йилда ўтказилганди. Авваллари ўтказилган кўргазмаларда асосан оғир саноат соҳаси, йирик заводлар учун мўлжалланган янги технологиялар келтирилган бўлса, бу галгисидида кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этмоқда.

Кўргазмада Италиянинг 76 та компанияси иштирок этмоқда. Улар орасида пахтадан қайта ишлаш, электро-энергияни тежаш технологиялари ва туризм йўналишидаги компаниялар ҳам мавжуд.

«Туркистон-пресс»

Маълум

ДАВР ТАЛАБИГА МОС

Бугунги кунда дизайн санъати халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида ўзига кенг йўл топди. Унинг саноат дизайни, кўргазма ва байрам тадбирлари дизайни каби йўналишларида ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

Бу сингари ихтисосликлар бўйича малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда Камолитдин Бехзод номидagi Тошкент Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юртида либослар дизайни йўналишида изланишлар олиб бораётган талаба-ёшлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг ижодлари асосида яқинда катта кўргазма ташкил этилди.

Ҳозир институт шу ихтисосликка яқин бўлган бир неча янги бўлимларни очиб тарафдудини кўрмоқда. Компьютер графикаси бўлими зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилди. Бадий металлпластика ҳамда бадий фотография бўлимлари ҳам ташкил топади.

МАЪРУЗАЛАР — ВИДЕОТАСМАЛАРДА

Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институтининг пахта технологияси ва механика факультетидa ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Талаба-ёшларга пухта билим бериш йўлида кўрилатган тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Деканат ташаббуси билан малакали профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларини видео тасмаларига ёзиб олишга киришилди. Улар видео ўқув қўлланмалари сифатида талабалар эътиборига ҳавола қилинади.

Ўқув машғулотида энг яхши деб тоғилган маърузалардан бири «Триботехника» билимига бағишланган. Профессор Раҳим Мажамов томонидан тайёрланган бу машғулот намунаси ҳам видео тасма-вирга ёзиб олинди.

«Машиналарни замонавий лойиҳалаш усуллари», «Машина деталлари», «Металлар технологияси» каби мавзуларда ташкил этилган маърузалар ҳам видео орқали талабаларга тақдим этилади. Бундан ташқари «Технологик жараёнларни лойиҳалаш», «Пахтани дастлабки ишлаш технологияси ва жиҳозлари» ҳам видео тасмаларда ўз аксини топди.

ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ САБОҚЛАР

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидa халқаро журналистика факультети фаолият кўрсатга бошлаганига беш йил бўлди. Бу орада ўзига хос йирик илмий ва ижодий ўқув марказига айланди.

Ҳозир унда ўнга яқин кафедра фаолият кўрсатмоқда. Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти йўналишлари бўйича пухта билим беришга эришилмоқда.

Журналистик маҳорат масалалари бўйича ташкил этилган курсларда ушларилгаётган амалий машғулотлар янада мазмунли бўлиб бормоқда.

Кафедралар саъй-ҳаракатлари билан «Интернет» учун материал тайёрлаш хусусиятлари», «Интерактив журналистика», «Оммавий ахборот воситалари мустаклигининг иқтисодий-иқтисодий асослари» деган мавзуларда ҳам таълим жараёнлари йўлга қўйилди.

Янги дарслик ва ўқув қўлланмалардан дастлабкилари босмадан чиқди. **Бомадан АЛИЕВ**



Оқ халати ўзига ярашган, чехраларида ҳаё, ибo, меҳр-шафқат акс этган ҳамшира кизларинг наҳот фаришталари деб атасак арзийди. Қалби оқ халатидек пок, ширин муомалали, қўли энгил ҳамширалар туну кун беморлар атрофида парвона бўлиб дардларига малҳам бўлишади.

Танловлар

ҲАМШИРАЛАР КУЧ СИНАШДИ


Маълумки, шаҳримизда ҳар йили иқтидорли, ўз касбига садоқатли ҳамшира кизлар уртасида кўрик-танлов ўтказиб келинмоқда. Ушбу аъёнага кўра яқинда Йўлдош Охунбобоев номидagi тиббиёт коллежидa Меҳр ва мурувват йилгига бағишлаб «Ҳамшира-2004» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туманларда ўтказилган танлов ғолибалари иштирок этишди.

Тадбир очилишида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамширалик иши бўйича ассоциация раҳбари Рихси Солиҳўжаева ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Миралишер Исломов сўзга чиқиб ўз касбини эъозлаб келатган билимли, энгил, доно ва ширинсўз ҳамшираларнинг доимо шифокорлар билан ёнма-ён халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда камарбастга эканликларини, уларнинг масъулиятли вазифалари таҳсинга сазовор эканлигини таъкидлаб ўтишди. Шунингдек, қатнашчиларга танловда омад ёр бўлишини тиладилар.

Танловда ўн бир нафар иштирокчи кизлар танишув, амалий, илмий-назарий, ҳамда эркин мавзудаги шартлар бўйича беллашиб ўзларининг доно ва зукколикларини, илмий, амалий ва назарий билимларини катта маҳорат билан намойиш эт-

дилар. Ўз касбига меҳр қўйган билимдон ҳамшира кизларнинг саҳнадаги ҳар бир қишларини нуфузли ҳайъат аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Танлов сўнгидa эса энг кўчлилар саралаб олинди. Ҳаяжонли дақиқалар яқинлашиб ғолибалар эълон қилинди. Яққасарой туманидаги 19-оилавий поликлиника ҳамшираси Севара Хожакўлова биринчи ўринга муносиб деб топилиди. Иккинчи ўринга Шайхонтоҳур туманидаги 22-оилавий поликлиника ҳамшираси Хуршида Исмоилова, учинчи ўринга эса Юнусобод туманидаги марказий ташхис поликлиника ҳамшираси Мухаббат Аҳмадўжаева, Сергели туманидаги 10-туғруқ комплекси ҳамшираси Нилуфар Мухамедова сазовор бўлдилар. Танлов иштирокчилари ва ғолиб ҳамшираларга хохийлар ажратган эсдалик совғалари топширилди ҳамда Ибн Сино жамғармаси томонидан китоблар тарқатилди.

— Мен ушбу танловда ғолиб чиқаман деб ўйламагандим. Ҳозир ниҳоятда халқонданман, қувончимнинг чеки йўқ, — дейди биринчи ўрин соҳибаси Севара Хожакўлова. — Касбим билан фахрланаман. Ешлигимдан ҳамшира бўлишни, келгусида беморлар дардига малҳам бўлиб, уларни даволашни орзу қилардим. Шукр, орзуимга етдим. Мақсадим, бор билим



ва тажрибамни янада бойитиб халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида сарф этиш. Дилрабо куй-қўшиқлар остида қизил-қарли ва мазмунли ўтган танлов йиғилганлар қалбидa унутилмас таассурот қолдирди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Ҳамшира-2004» кўрик-танловининг шаҳар босқичдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Хўш, бу ҳолда нима қилган бўлардингиз? Албатта аввал совуқ фаслдан ёзгирасиз, сўнгра шаронгдан нолиб, асабингиз бузилади. Ҳар ойда иссиқлик энергияси, иссиқ сув, совуқ сув, газ ва яна бошқа-бошқа коммунал тўловлар учун ошиқ тақиллатиб келганларга емай-ичмай йиққанларингизни санаб бераётганингиз кўз олдингизга келиб асабларингиз таранглашади. Хали олдинда бутун қиш фасли турганлигини ўйлаб, юракка ҳавотир тушади.

Айни пайтда ҳамшаҳарларимизнинг кўпчилиги шундай ҳавотир билан бош қотиришаётган бўлсалар ажаб эмас. Шу мақсадда Собир Раҳимов туманидаги «Тикланиш-Чимбой» уй-жой мулкдорлари ширкатидa яшовчилар билан суҳбатлашганимизда юқоридаги фикрларимиз тасдиқини топдик. Мана уларнинг фикрлари:

— Биласизми, ҳар йил қишда хонадонимиз совуқлигидан азият чекамиз, — дейди 1-уй, 45-хонадонда яшовчи Ислам Иноятов. — Энг ёмони иссиқлик тармоғидa камчиликлар бўлса, бир йўла иссиқ сувда ҳам, газда ҳам бир муаммо бўлмай қолмайди. Ахир бу тармоқлар уйларимизга битта каналдан юборилмайдику? Ҳар ойда коммунал тўловларни тўлаб келаману шунга яраша роҳатини кўрайман.

— Мен бир неча йилдан бери шу ерда истикомат қиламан. Аммо ҳалигача қиш фаслида хонадонимиз исиб, жонимиз ҳузурланганини ҳеч эслолмайман, — дейди ўзини Моҳира опа деб таништирган аёл. Бу ҳақда ширкатимизга қанча арз билан чиқдик. Бўгун бўлади, эртага бўлади каби

ваъдалар билан шу аҳволга етиб келдик. Қачон ширкатимиз идорасига арз билан борсак, албатта бир баҳона тайёр. Бу ҳам етмаганидек, туман иссиқлик тармоғига ҳар йили куз, қиш фасли

Донғарб навъу

ҚАРС ИККИ ҚўЛДАН

Совуқ кунларда ишдан ҳориб, иссиққина уйга кирсангиз жонингиз роҳатланади. Газни ёқиб, гуриллаб турган оловда чой қўясиз, теъдa ваннада иссиқ сувга ювиниб, тамадди қилишга ҳозирланасиз. Шу ўринда бу воқеанинг акси бўлсачи?! Ташқаридан уйга кирасизу совуқдан этингиз янада жунжиқади. Уй иссиқроқ бўлсин деб газни ёқасизу газ ҳам «уф деса ўчадиган» аҳволда. Ювинмоқчи бўлиб ванна жўмрагини очасизу ундан зўрга чиқаётган сувнинг на илик на совуқлигини фарқлай олмайсиз.

ларидa ариза билан борсак, бошлиқнинг ё қўли синиб, ёки оёғи синиб касалхонага тушишлари кишини ҳайратлантиради. Уйимиз ертўласидаги иссиқлик ўтказгич таъмирталаб аҳволда, иссиқ сув қувурлариниқу гапир-маса ҳам бўлади. Билмадим, яшовчилардан йиғилган пуллар қаяққа сарфланмоқда?

— Маҳаллаимиз аҳолиси «берсанг ейман, урсанг ўламан» деганлардан эмас. Барчамиз бирлашиб, ширкатимиздаги айрим муаммоларни ҳамкорликда ҳал этдик. Аммо баъзи ширкат доимларининг яшовчилардан тўплаган пулларни «туя қилишлари»ни ўта виждонсизлик деб ўйлайман, — дейди 7-хонадонда яшовчи Малика опа Тожибоева. — Энди билсак, ширкатимиз кассини ва бош ҳисобчисни аҳоли тўлаган пуллар суммасини даф-

тарга бошқа, қитанцияга бошқача тарзда ёзиш, ўғирликдан ундирган пулларни доим чўнтақларига уришган. Яшовчилар орасидан комиссия тузиб, шу масала юзасидан иш кўриб чиқилган.

Ширкатимиз 7 та уйдан иборат бўлса, мисол учун 1- ва 2-уйларда яшовчиларнинг айни пайтда 1 миллиондан ошиқ қарзлари бор. Энди ўзингиз ўйланг, ширкат яшовчилар ҳисобидан иш кўрсая, аммо аҳоли орасида қарздорлар сони кўпчиликини ташкил қилса қачон мавжуд муаммолар ҳал бўлади? Яқинда «Уй-жой-гармабанк»нинг туман бўлимидан 2 миллион қарз олиб, ширкатимизга қарашли 5-уйни туё таъмирдан қаршиди. Шунингдек, 1 миллион 300 минг сўмга иссиқлик қувурлари сотиб олдик ва ўрнатмоқдамиз. Маълумки, банкдан олинган қарз маълум муддатда берилди. Галдаги энг катта муаммо эса яшовчилардан пул тўллаб, қарзларни ўз вақтида қайтариш.

Ширкат раисининг сўзларидан шу нарса ойдиллашдики, қарс икки қўлдан чиққанидек, ҳар икки томонда ҳам ўзига яраша муаммолар мавжуд. Шу ўринда таъкидлаш керак — қарздорлар ўз йўлига-ку, аммо жабрини доимий тўловчилар тортомоқда. Халқ мулкчи юлғичлар туя қилгани ўз йўлига-ку, ахирини ширкат жонқуярлари чекмоқда.

Орзуғул РУСТАМОВА

Мустақил юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами кундан кунга ортиб бораётган, капитал қурилишда ислохотларни янада чуқурлаштиришга эътибор қаратилаётган бугунги кунда қурилиш соҳаси кадрларига ҳам талаб катта, албатта. Чунки ана шундай кадрларнинг малакаси, билими ва уларнинг юқори жавобгарлиги жамият ривожининг асосий омилдир. Қурилиш соҳаси билимдонларини тайёрлашда муносиб ҳисса қўшиб келаётган Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг «Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги» кафедраси мудир, техника фанлари номзоди, доцент Саодат ҚОСИМОВА малакали мутахассислар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни баён этди:

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалга

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЕТИШИБ ЧИҚАДИ

— Албатта, ҳар бир соҳанинг мукамал ривож қилиниши билан малакасига бўлиқ. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги ҳақ ҳўжалигининг энг муҳим тармоқларидан саналади, аҳоли сони ва эҳтиёжи ошишини эътиборга олган ҳолда уларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун қўлай шароитлар яратишда етакчи ўрин эгаллайди. Бугунги замонавий бозор иқтисодиёти шароитида олдимизга турган муҳим вазифаларни амалга оширишда мутахассислар тайёрлаш жараёнини кучайтириш, шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги учун бошқарув кадрларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш лозим.

Шу боис ҳам 1991-1992 ўқув йилида институтимиз қошида ташкил топган кафедрасида ўз олдига капитал қурилиши ва инвестиция фаолияти ислохоти соҳасидаги давлат сибсатини ташкил қилишда қатнашиш, қурилиш ва қурилиш индустриясида бошқарув ва менежмент ташкил қилишининг илғор тармоқлари ва замонавий қурилиш технологияларини жорий қилиш, шаҳар қурилиши ва ҳўжалигининг янги ютуқларини ҳаётига таъбиқ қилиш, техник қайта қуришни олдинги суриш ва бошқа вазифаларни қўйган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун эса кафедрада меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчиларимиз ўз билимларини ошириб, малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги мутахассислиги хусусида тўхталандиган бўлса, шаҳарларнинг ривожланиши аввало эски иморатларнинг қайта қурилиши ва янги бунёдкорлик кўламига боғлиқ. Шаҳар қурилишидаги замонавий

қоғазлар мавжуд муаммоларнинг комплекс ечими ва қурилаётган объектларнинг индивидуаллиги билан характерланади. Биз тайёрлаётган мутахассис лойиҳаларда, қурилишда, шаҳар объектларидан фойдаланишда ва реконструкция қилишда, шаҳар ҳудудларини ободонлаштириш, муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини лойиҳалашда ўз қобилиятларини кенг доирада қўришлари мумкин. Шу боис ҳам кадрларимизга нафақат шаҳар қурилишининг барча тармоқларида, балки шаҳар ҳўжалигини бошқариш доирасида ҳам кенг имкониятлар берилди. Кафедрасимиз мутахассислари ҳокимиятларда, шаҳар ободонлаштириш ва коммунал хизмат бўйича бошқарув корхона ва муассасаларида, турар жой, жамоат ва саноат биноларини таъмирлаш идораларида, лойиҳа ва илмий текшириш институтларида ҳамда қурилиш ва ҳўжалик ташкилотларида фаолият қўришади.

Кафедрода замон билан ҳамнафас кадрлар тайёрлашга муҳим эътибор қаратилган. Бунинг учун жамоамизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига ва қабул қилинган стандартларга жавоб берадиган ўқув ва услубий қўланмалар, назорат ишлари ва намунавий ҳисобнинг вазифалари доир тегишли тестлар ва ёзма иш учун саволномалар ишлаб чиқилган. Талабаларнинг билимини ошириш ва уларга қўлайлик яратиш мақсадида кафедрамизда ўқув адабиётлар қўрамаи ташкил этилган ва унинг фондида махсус ўқув қўланмалари билан биргаликда маънавий-маърифий йўналишдаги китоблар ҳам мавжуд.

Кафедрасимизда шаҳар қурилиши ва ҳўжалигини такомиллаштириш асосий илмий йўналиш-

лардан саналади. Илмий мавзулардан ўқув услубий ишлар билан боғлиқ ўқув жараёнига таъбиқ қилинган ва 9 та ўқув қўланмаси чоп этилган. Утган беш йил мобайнида кафедрада республика миқозинда муҳим ва амалий аҳамиятга эга бўлган битта докторлик ва иккита номзодлик диссертациялари химоя қилинди.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш, улар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ҳам эътибор қаратиб, Нижегород, Волгоград архитектура-қурилиш академиялари, Челябинск архитектура-қурилиш ва Чимкент кимё технология институтини, Новосибирск давлат архитектура-қурилиш университети, Киев миллий қурилиш ва архитектура институтлари билан ўқув-методик ва илмий маълумотлар алмашишмоқда. Бу, албатта, тайёрлаётган кадрларимиз малакасини таъминлашда ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, Кибернетика институтини, УЭЛИТИ, «Тошўйжой-лойиҳа» ва «Узгипрокоммун-лойиҳа» институтларида кафедрамиз филиаллари бўлиб, у ерлардаги мавжуд техник жиҳозлар, компьютерлар, асбоб ва ускуналар, лабораториялардан фойдаланилмоқда.

Ҳозирда кафедрамиздаги устозлардан билим олган талабаларимизнинг кўпчилиги юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишмоқда. Бундан кейин ҳам изланишларимиз самараси етук мутахассисларимиз таърибасида, уларнинг меҳнат фаолиятида яққол акс этишига, кадрларимизнинг мустақил юртимиз ривожига, капитал қурилишда ислохотларни амалга оширишда муҳим ҳисса қўшишларига аминимиз.

(Ўз мухбиримиз)



Чунки ушбу майдонларда мрамару ганч, ёғочдан яралган санъат мўъжизалари асрлар яшати, шубҳасиз.Пойтахтимизда фаолият қўришаётган «Ижод-ижод» хусусий корхонаси ҳам ана шундай тарихий обидаларимизни тиклаб, замонавий иншоотларимизда эса миллий қадриятларимиз, шарқона услубларимиз мужжасамини акс эттираётган жамоалардан саналади.

Улар ўз фаолиятлари давомида Самарқанд, Бухоро, Хива, Навоий шаҳарларидаги тарихий обидаларни қайта таъмирлаш баробарида республикамиз шаҳар ва вилоятларида ёдгорлик мажмуалари, маҷит ҳамда маънавий таъмирлаш марказлари қурилишида фаол иштирок этишмоқда. Корхона цехларида ёғоч ҳамда сополдан тайёрланган сифатли қурилиш ашёлари ана шундай иншоотларнинг қад ростида кенг қўлланилмоқда. Шуниси эътиборлики, корхонада меҳ-

Маҳбуркорлик

ЮРТИМИЗ ЖАМОЛИДА АКС ЭТМОҚДА

Хотира — умримиз гултожи, дея бежизга таъкидламаймиз. Айниқса, авлодлар тинчлиги, юрт озодлиги, эл фаровонлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси ҳамisha муқаддас бўлиб, пойтахтимизда Президентимиз ташаббуслари билан бунёд этилган «Хотира» мажмуаси ва «Шаҳидлар хотираси» майдони бунинг яққол исботидир. Авлодларга ажайиб мерос бўлган, миллий қадриятларимиз эъзозини саналган ана шундай иншоотларни барча ҳавас қилса арзиғulik қилиб, авлодлар руҳини шод этиб тиклаётган бунёдкору қўли гул усталаримиз меҳнат ва маҳоратларига қойил қоласиз, уларнинг изланишларидан эса завқ оласиз.



Ушбу масъудиятли ва зифани зиммамизга олар эканмиз, усталаримизнинг қадимий морчилик — йг ўша ҳудудга мос услубларидан кенг фойдаланишди. Бунинг учун эса усталар жойларга чиқиб, тарихий обидаларни, уларнинг ўзини хос услубларини мукамал ўрганишди.

Ортимизнинг аждодлардан мерос бебаҳо тарихий обидаларини ўзлигини сақлаган ҳолда бугунги кунини яратиш ишқида меҳнат қилаётган тадбиркорлар кун кеча Самарқанд шаҳри ва вилояти аҳлини мамнун этиб, уларнинг зийратгоҳига айланиб қоладиган қадамжо — «Хотира» майдонини қуриб битказишди.

Самарқанд шаҳри ва вило-

ят туманларидан иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган жангчиларнинг қариндош-уруғ ва энг яқин жигарбандлари учун қўтулғ қадамжо қурилишда корхонанинг 35 нафар моҳир устаси иштирок этди. Корхонанинг ёғочга ишлов ва безак бериш неҳининг 40 нафар устаси эса майдонни тиклаш учун зарур қурилиш ашёларини тайёрлашда жонбозлик қўришти. Албатта, уларга билимдон мутахассислар кат-



та ёрлам беришди. Цех раҳбари Рафиқ Саҳватшин ҳамда моҳир дизайнер Эргаш Тухтаўжаев ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш ва вақтида етказиб беришда гайрат билан меҳнат қилишди. «Хотира» майдонининг ҳар бири 44 метрдан иборат 2 та айвонига тайёрланган 34 та устун цех усталари маҳоратининг ёрқин намунаси. Бу борада Азим Исмаҳамедов, ака-ука Умид ва Музаффар Қодировлар, Асқар Усмонов сингари ёғоч иши усталарининг меҳнатлари муносиб бўлди. Шунингдек, цех усталарининг изланишлари асосида яратилган

6 та нақшинкор эшик ҳам Самарқанддаги «Чорсу» суратлар галереяси безаб турибди. Албатта, маҳоратнинг калити меҳнатда, изланишда, янгиликка интилишда. «Ижод-ижод» тадбиркорлари ҳам ҳамisha интилади-лар, сифат улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг, амалга оширилаётган ишларнинг бош мезони саналади. Буюртмачилар сағи кенгайиб бормоқда. Ҳозирда улар Навоий шаҳрида бунёд этилаётган масжид учун ўйма эшик ва ромлар тайёрлашмоқда. Ҳадемай уларни ўрнатиб ишлари ҳам бошлаб юборилади. Қашқадарь вилоятидаги тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлашда фаол иштирок этиш мақсадида Қашқадарь услуби ўрганилмоқда.

Интиланганга толе ёр, дейишди. У ака ука — Бахтиёр, Баҳоидин ҳамда Алишер Раҳмоновлар ҳамкорлигида ташкил этилган хусусий корхона ҳам ана шундай интилиш тўғрисида ривож топмоқда, элга танилмоқда. Шунинг баробарида эл-юрт ободонлигига, мустақил юртимиз ривожига, тарихий обидаларимиз асрлар оша барчани мафтун этишига муносиб улуш қўшишмоқда. Ютуқлар гарови меҳнатлигини таъкидлаган ҳолда, уларга қўлиб боқадиган толе меҳнатнинг азиз меваси эканлигини ҳам тан олмоқ жоиздир. Насиб этса унинг мевалари юртимиз жамолида ёрқин акс этади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари Алишер Раҳмонов, (ўртада) навбатдаги буюртма устаси иш олиб бормоқда; ушбу нақшинкор эшик устаси маҳорати маҳсулидир; Самарқанд аҳлини мамнун этган «Хотира» майдони.

БУНЁДКОР

Пойтахтимизда бунёд этилган ва қад ростилаётган замонавий ва мустақкам кўприкларнинг тикланишида ҳамда муваффақиятли хизмат қўришда муносиб ҳисса қўшиб келаётган 13-кўприкқурилиш отряди арматура цехи илғори Ноиля Фёдорованинг ҳам номини ана шундайлар қаторида тилга олиш ниҳоятда ўринлидир. Чунки у ўз меҳнатининг қадрини билими, ўқуви, ҳаракатчанлиги, энг муҳими ҳунарга меҳри, ҳамкасбларига эътибори боис топганлардан. Ишдаги чидам ва кунт, машаққатли меҳнатдаги синчовлик, сифатли маҳсулот тайёрлашга эътибор Ноиляни ҳурмат-эътиборга сазовор этганлиги ҳақиқат.

Шунинг учун ҳам Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрами арафасида мукофотланганлар орасида унинг номи ҳам қайд этилганлиги бежиз эмаски, бу барча жамоат аҳлини хушнуд этди. Ноиля Фёдорова «Шухрат» медали соҳиби бўлди. Бу, албатта, илғор арматурачининг юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидаги фаол иштироки учун берил-



Ноиля Фёдорова «Шухрат» медали соҳиби бўлди.

ган юксак баҳо, муносиб тақдирлашдир. Ноиля ушбу жамоада 20 йил аввал ўз фаолиятини бошлади. Унинг кўприкқурилиш отряди арматура цехи илғори Ноиля Фёдорованинг ҳам номини ана шундайлар қаторида тилга олиш ниҳоятда ўринлидир. Чунки у ўз меҳнатининг қадрини билими, ўқуви, ҳаракатчанлиги, энг муҳими ҳунарга меҳри, ҳамкасбларига эътибори боис топганлардан. Ишдаги чидам ва кунт, машаққатли меҳнатдаги синчовлик, сифатли маҳсулот тайёрлашга эътибор Ноиляни ҳурмат-эътиборга сазовор этганлиги ҳақиқат. Шунинг учун ҳам Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрами арафасида мукофотланганлар орасида унинг номи ҳам қайд этилганлиги бежиз эмаски, бу барча жамоат аҳлини хушнуд этди. Ноиля Фёдорова «Шухрат» медали соҳиби бўлди. Бу, албатта, илғор арматурачининг юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидаги фаол иштироки учун берил-

Ҳишондорларимиз

МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПДИ

Ҳар бир касбнинг ўз сир-асрорлари бўлади. Ана шу сир-асрорларидан воқиф бўлган ва кўнглида касбига меҳр-иштиёқ жўш урган инсонгина ўз муваффақиятини таъминлаш барибарида эл оғзига тушади, жамоат эътиборини қозонади.

шоғирдликдан бошлаган бўлса, бугунги кунда унинг ўзи ёшларга устоз, яқин маслаҳатчи. Ҳамкасблари Шаҳодат Никитина, опа-сингилди Люба ва Венера Сергеевалар билан ҳамжиҳатликда буюртмаларни тўла-тўқис адо этиб, улар асосида кўприкқурилиш мустақкамчилигига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг арматурадан фойдаланиб турди ҳажм ва шаклда тайёрлаган қаркас қури-

лиш ашёсидан пойтахтимиздаги Кичик ҳалқа йўли бўйлаб жойлашган кўприклар қурилишида кенг фойдаланилмоқда, транспорт воситалари учун қўлайликлар яратилмоқда.

— Меҳнат унуми, маҳсулот сифатини таъминлашда Ноиля Фёдорованинг ўзига хос ҳиссаи бор, — дейди цех ишорувчиси Лазиз Делимжонов. — Кўприк қурилиш ишларининг жадал қилишида, муддатда фойдаланишга топширилишида арматура цехи ишчиларининг ҳиссаси салмоқли, албатта.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТДА: «Шухрат» медали соҳибдори Ноиля Фёдорова.

Қурилиш майдонларида

ЗУҲРИДДИННИНГ БРИГАДАСИ

«Туронмарказқурилиш» акциядорлик жамияти пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган жамоалардан ҳисобланади. Жамоада меҳнат қилаётган орасида эл-юрт хурматига сазовор бўлган қўли гул бунёдкорлар кўпчилигини ташкил этади.

Акциядорлик жамиятининг 1-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган «Шухрат» медали соҳиби Зухриддин Акмалов етакчилигидаги бригада қурувчилари ана шундай гайрат-ши-

корлик ишларида, пойтахтимизга алоҳида кўрк бўлган солиқ кўмитасининг соғломлаштириш мажмуаси қурилишида, юзлаб йигит-қизларни ўз бағрига олган Юнус Ража-

Абдукарим Мирзақаримов, Улуғбек Отажонов сингари қурувчиларни ибрат қилиб кўришга арзийди.

Айни пайтда Зухриддин Акмалов бошлиқ бригада бунёдкорлари Тошкент телеинженерия (радио-телевидение) эшиттирилари ни узатиш марказида қайта қуриш ишларида фаол иштирок этишмоқда. Ушбу объектни улар кириб келадиган янги йил арафасида фойдаланишга топшириш ниҳатида. Бунёдкорлик касбининг эъзозлаётган бригада аъзолари пойтахтимизни яшатишда, янги-янги биноларни бунёд этишда иштирок этаётганидан ҳамisha фахрланади. Ушбу фахр туйғуси эса уларнинг меҳнат ва маҳоратларида, гайрат-шижоатларида ёрқин акс этмоқда.

Дилноза ФИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: бригада пайвандчилари Фаҳриддин Ризаметов ва Абдужалил Исомиддинов; бригадир Зухриддин Акмалов (ўнгдан иккинчи) бригада аъзолари даврасида. Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар



БИЗ ҚУРГАН БИНОЛАР

Пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиб, шарафли касбини эъзозлаётган «159-трест» акциядорлик жамиятига қарашли 70-қурилиш бошқармаси қурувчиларининг гайрат-шижоатлари баланд.


Уларнинг самарали меҳнатлари эвазига қад ростилаётган иншоотлар пойтахтимиз жамолини очибди, эл-юрт фаровонлигини таъминлашда муҳим ҳисса бўлмоқда. Қурилиш бошқармасида 130 дан зиёд ўз касбининг усталари меҳнат қилишиб, улар зиммаларидаги вазифаларни сифатли адо этишга, ўзларига топширилган ҳар бир объектни тез ва соз қуриб битказишга, вақтдан, қурилиш ашёларидан унумли фойдаланишга интилишмоқда.

Қурувчиларнинг самарали меҳнатлари эвазига Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида шаҳаримизнинг Эски шаҳар қисмида замонавий маҳалла гузарига ҳамда 60 ўринли болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектлар қисқа муддатларда қуриб битказилганлиги боис ҳам бунёдкорлардан алоҳида меҳнат ва шижоат талаб этди. Айни кунларда эса бошқарма қурувчилари Олий Мажлис юқори палатаси — «Сенат»нинг мухташам биноси ҳамда пойтахтимизнинг «Белтепа» мавзесида спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилишида иштирок этишмоқда. Бошқарманинг комплекс бригадаси бошлиғи Едгор Султонов, бўгин сардорлари Фанишон Маҳкамов, Хусан Сатторов, электр пайвандчилар Бахтиёр Аҳмедов, Зиёвуддин Собировлар ўз меҳнатлари билан ҳамкасбларига ўрнак бўлибгина қолмай, шоғирдлар етиштиришга ҳам астойдил ҳаракат қилишмоқда. — Юртимизда капитал қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларга муносиб улуш



Дилфуза СОДИКОВА
СУРАТДА: электр пайвандчи Ҳамидулла Раҳматуллаев илгорлар сафидан муносиб ўрин олган.

Шарқ дурдоналари



● Хар кимнинг ичи болалар ногораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса дарвозасини киртишлайди. ● Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

Сўз айтсанг сен

фақат фойдали сўз айт, Бу билан жой олгин элнинг дилидан. Бўлмаса сўзламай жим ўтир, чунки, Инсонга не келса келар тилидан.

● Қадимий Юнон ҳақимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашса дадил бўлади. Бундай кишилар сўзининг шаҳвор дур эканини ва уни беҳуда сочиб одам учун пур эканини билмайдилар.

● Форс донишмандларидан Барзув ал Ҳаким насихатлари. У ёзади:

— Хар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вуҷудга келган бўлса, аввало унинг сабабини кидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби муроса, сирнин ошқор бўлмаслиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеълликда, дўстлик сабаби очик юзлиликда, жудлик сабаби азоб, адоват сабаби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, наҳот сабаби ростлик, улуглик сабаби тавозе.

● Анушервон бир куни Юнондан:

— Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга:

— Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

● Хормуз ҳақим сўзларидан. У айтади:

— Одам учун сазовор нарса шукки, у хикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин.

Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилик, тўқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаки, у ўзгармайди ва касод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилига жойлаган бўлса, на ботир, на қаҳрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлсин!

● Бузургмехр айтади:

— Билгинки, ҳақим ўз табиати билан куйидаги ҳислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан қўрқиб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажақда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб қўллаган нарсани оруз қўлмаслик. Бешинчи, етишолмаслик нарса учун қайғу тортмаслик.

● Уч нарса ўз соҳибига ёмонлик келтиради. Булар куйидагилардир. Биринчи, мансаб эгаларининг кам ҳаракат ва беҳафсалалиги. Иккинчи, олимларнинг сергазаб бўлиши. Учинчи, хотинларнинг бешарм бўлиши.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларидан)

Мавлоно Лутфуллох Чустийнинг икки кизи бор эди.

Катта кизини Хайринисо ойим дердилар, яна Пирзода ойим деб ҳам номлардилар, айни пайтда "Зайнул мастурот", "Тоҳил маҳзурут" сифатлари билан улуглардилар.

Яна бир кизи — Биби Никоя Маҳдуми Аъзамнинг ўғли Хожа Исҳоқ Валийга тушганлигини юқорида айтиб ўтган эдик.

Умуман, ўзбек халқининг икки машҳур фарзанди Маҳдуми Аъзам ва унинг иқтидорли қушири ҳамда давомчиси Мавлоно Лутфуллох Чустий муносабатлари ҳақида бироз тўхталиб ўтиш лозим кўрилади.

Аввало, ўлар замондошдирлар, иккинчидан, устузо шоғирдирлар. Устузо шоғирдлик шу даражага етгадими, ота-ю фарзанд макомига эришадилар.

Айтишларича, Маҳдуми Аъзам шоғирди Мавлоно Лутфуллохни ардоқлаб, унга ёлғиз кизини узатиб, ўзига қувв қилмоқчи бўлган экан. Лекин тақдирда билгангани чеглаб ўтишининг илжоси йўқ. Бу кулгун ният амалга ошмай қолади...

Мавлоно Лутфуллох бошқа кизга уйланади ва хирожат бўлиб хийлагина устуз кизига қўриқмай чет-четда юради... Аммо тездәк орадаги гина-қудуретлар унутилиб, аввалги қадрлилик алоқалари йўлга қўйилади, устузо шоғирдик ришталари яна боғланади. Чунки икки мўтабар зот ҳам қомил инсонлардан эдилар, улар кеңиримлилик бизга пайғамбардан мерос эканлигини ҳаммиша ёдда тутардилар ва унга амал қилардилар...

Мавлоно Лутфуллох Чустий барибир кўнглида устузнинг оҳизасига уйлана олмаганлигидан хирожат бўлиб юради. Кейинчалик ушбу хирани-

лигини дилдан кетказиш чорасини тоғандай бўлади — кизи Биби Никояни Маҳдуми Аъзамнинг ўғли Хожа Исҳоқ Валийга узатади ва устузо шоғирд авлодлари бир-бирига қариндошлик ришталари билан боғланади кетадилар.

Саййид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний, маданиятимиз тарихида эса Маҳдуми Аъзам,

Маҳдуми Аъзам Даҳбедий деган номлар билан машҳур бўлган буюк юртдошимизнинг ҳаёти Ватанимизнинг оғир ва тарқоқлашишга юз тута бошлаган йилларига тўғри келди.

Рухида беоромлик сезган, дарди талабга мубтало Маҳдуми Аъзам Тошкентга йўл олди, Ҳўжа Аҳрор Валийнинг шоғирди машҳур Шайх Муҳаммад қозига мурид тушиб, хизматлари нидо этишга киришти, дардига даво излади.

Машҳури офоҳ Ҳўжа Аҳрор Валийнинг муборақ ҳўжрасида чилла ўлтириш бахти унга насиб этди, бу катта шараф эди.

Оқибатда тасавуф сирларини теран ўрганди ва элга таникли аллома бўлиб етишди.

Устузи Шайх Муҳаммад қози қароматлар ва хаворик одадлар соҳиби бўлган Маҳдуми Аъзамга катта баҳо берди, рубъи масқунда Мавлоно Хажатий Аҳмадга тенг келадиган одам йўқлигини таъкидлади.

Жуда кўп ҳўжиму амирлар, беклар "Буюк хожа" унонига сазовор кўрилган Маҳдуми Аъзамга кўл бердилар, ўзларини муридлик маҳомида тугдидлар. Мисол учун, шайбоний ҳўждор Убайдуллохон, темирйй Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Кармина ва Миёнқол хўжиси шайбоний Жонибек Султон, Абдулазизхон ва бошқа кўп номларни келтира оламиз.

Убайдуллохон (вафоти милодий 1539 йил), "Убайдий" тахаллуси билан ижод қилган мумтоз шоирларимиздан биридир. Кўтби олам Маҳдуми Аъзам билан "Маҳдуми Аъзамга кўл берган, хизматларини турган, хикмат дўқонин қурган ул Убайдий султонхон" орасида муридлик ҳўжрасида ҳам юқори чин дўстлик ва ҳамкорлик, ҳамфиқрилилик, баҳамжиқатлик ҳолати вуҷудга келдики, бу тарихимизда алоҳида ўрганилишга лойиқ бир ҳўдисдир.

Убайдуллохон ўз пиричи баҳоят ҳўрмат қилар, ундан хабар олиб турар, кўп қолларда давлат ишларида ва ижод борасида пиричинг маслаҳатларига таяниб иш кўрарди.

Маҳдуми Аъзам Убайдий иқодини ардоқлаб, унга кенгашлар бериб турарди, ҳатто унинг газал ва рубоийларига теран шарҳлар ёзганлигини олимларимиз таъкидлайдилар. Убайдий эса Бўҳорода ўз саройи ичиде пири қомил учун хос ҳўжра бунёд қилдиқди, у ерда кўп бор устузнинг аждойиқ суҳбатларидан баҳраманд бўлиш, давлату дин, илму адаб ҳўсусида мубоҳасалар олиб борди. Маҳдуми Аъзамнинг йигирма еттига рисоласини алоҳида бир мажмуа тарзида кўчиртирилишида бош-қош бўлди. Бу ҳўзрат асарларининг илк бор бир муқова остида жам бўлиши эди...

Заҳриддин Муҳаммад Бобур билан Маҳдуми Аъзам ўртасидаги муносабатлар ҳам диққатга

* Парчалар Н.Жабборовнинг Маҳдуми Аъзам Даҳбедийга бағишланган тадқиқотидан олинди.

Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун

сазовордир. Мирзо Бобур ҳам ҳўзрати Маҳдуми Аъзам эгагини тутганлардан эди.

Бобур Ҳўжа Убайдулло Аҳрорнинг "Рисолаи волдия" асарини ўзбек тилига таржима қилади, унга ўзининг бир неча рубоийларини илова этиб кўчиртиради ва қомоли эҳтиром ила Маҳдуми Аъзамга ҳўнатади. Мамнун бўлган Маҳдуми Аъзам қўлзamani ўқиб илҳомланади ва "Бобурия" рисоласини қозоғга туширади.

Маҳдуми Аъзам илм аҳлини давлат устиворлигининг асоси деб биларди, тараққиётни шунга боғлайди. Ҳўзратнинг фикрича, олимнинг эл-улугга фойдаси тегадиган илми ҳеч қачон унутилмайди, ҳаммиша халққа хизмат қилаверади. Муридлари ҳўсбонадиган давлат раҳбарлари билан мубоҳасалар қўрар эканлар, уларга илм аҳлидан, зиё-лилардан ҳаммиша хабардор бўлиб туришларини уқиради, ҳаммиша илмини тараққий этдириш чораларини кўришни, бусиз давлат ҳалокатга юз буриши мумкинлигини таъкидлайди.

Давлатни бошқариб турган одам адолатли, қалби пок, виждонли, бўлиқ зеҳнли, тадбиркор, талабчан, узоқчи кўра оладиган, қучли ақлу эҳволат соҳиби бўлмоғи зарур. Машҳур ҳўдисда айтилганидек, бир соатлик адолат олтишга йиллик ибодатдан афзаллигини доим ёдда тутмоғи мақбулдир.

Тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришларича, Маҳдуми Аъзам ўттиздан ортиқ рисолалар битган. Куйида ҳўзрат асарларидан айрим парчалар келтирамиз.

... Эй толиби содик!

Ҳўжагон, қўлдиси сиррику, тариқатда бу тўрт калимани бинойи асил, яъни бузруқлар бу тўрт калимани тариқат биносининг тўрт аркони деб-дурлар. Агар солиқ бу таълимотнинг бирисини

Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

РОМАН -ХРОНИКАДАН БОБЛАР

қилмаса, бинойи тариқи вайрондур. Хўшдар дам, назар дар қадам, сафар дар ватан ва хилват дар анжуман. Чунончи, ҳўзрати олийшон мақбули ҳўзрати Раҳмони муҳиб ва маҳбуби қўлби дарвеш Убайдуллохон айтулар.

Хар лаҳза ватан ичра сафар қилгумдур, Юрмақда қадам узар назар қилгумдур, Хилват тутубон ҳам анжуман.

Хилватни қурбатга гузар қилгумдур. То солиқ бу калимани қомоли рияз бирла тутмагунча бу тариқнинг ниқоисига етмайди...

Ориф билан зоҳид орасидаги фарҳ ҳақида

"...Ул бузруқворимки, ўзини халқ орасида фоҳиш қилғай зоҳид бўлғай, ани уламолар ойга ташбех қилурлар. Ой осмонда, дунёда бўлғай. Анинг шуъласини халқ кўрарлар, таъавурулар нури ҳам паст бўлғай, мартабаси ҳам паст бўлғай. Ул бузруқим, султон ул-орифийи монанд Боязид Бистомий, анигдекларини офтобга ташбех қилурлар. Чунки офтобнинг шуъласи тўртинчи осмонда бўлғай, етти қат осмон сабабидин мунавардур. Нурининг галабасидин ва иссиғлигидин хар нечқ одам кўра олмайғай, яъни мурод кўрмақдин тонимок бўлғай.

Зоҳид ҳақ таолонинг сўзига машҳул бўлғай, Ориф ҳақ таолонинг ўзига машҳул бўлғай.

Зоҳид халқни илми зоҳир бирла даъват қилғай, Ориф халқни илми ботин бирла даъват қилғай.

Зоҳид муриди таважжўх бирла тарбият топғай, Ориф муриди маърифат бирла тарбият топғай.

Зоҳиднинг оёки бир ерда қарор олмайғай, Ориф пойи шикасталиқ ва истикоматлиғ эрур.

Зоҳиднинг кўзи беғам бўлғай, Орифнинг кўзи пурнам бўлғай.

Зоҳиднинг кўнгли қаттиқ бўлғай, Орифнинг кўнгли юмшоқ бўлғай.

Зоҳид пулга боққай, Ориф ҳаққа боққай.

Зоҳид халқ орасида саломатлиғ бўлғай, Ориф халқ орасида

маломатлиғ бўлғай. маломатлиғ бўлғай.

Зоҳид хар на келса халқдан кўрғай, Ориф хар на келса Ҳақдан кўрғай.

Зоҳиднинг талаби беҳишт бўлғай, Орифнинг талаби дийдор бўлғай.

Зоҳид муриднинг кўлини олғай, Ориф муриднинг кўнглини олғай.

Зоҳид ўзини уриб кўзидин ёш чиқарғай, Орифнинг кўзда ёши, оғзида кулгиси бўлғай.

Зоҳид халқни ўзига йиғмоқни хоҳлагай, Зоҳиднинг кўзи хўшёр, кўнгли кўзи гафлатда, Орифнинг кўнгли бедор, кўзи гафлатда бўлғай.

Зоҳиднинг тили зикрда бўлғай, Орифнинг дили зикрга машғул бўлғай.

Зоҳид элнинг айбини очқай, Ориф элнинг айбини ёбқай.

Бу ўн тўқиз хислатнинг бири хар қимда бўлма-са ваён деб билурлар, ориф биллоҳи деб бўлмас...

Фикримизча, ушбу икки парчаининг ўзбек хўзрати Маҳдуми Аъзамнинг бўтун дунёқарашини, ҳаётининг мазмунини, маслаҳини қўрсатиб бериш учун қифоядир.

Шуни таъкидлаш лозимки, жуда кўп давлат арбоблари ҳўзратга мурид сифатида пир деб этиқларини тутган бўлсалар ҳам, Маҳдуми Аъзам Расулуллоҳнинг: "Амирларнинг олқишга бий феҳрининг остонасида, фақирларнинг ёмони амирнинг остонасида туради", деган муборақ ҳўдисларини доимо эсда сақларди ва унга қатъий амал қиларди, айни пайтда ўзгаларни унга даъват этарди.

Машҳур тарихнамиси Абу Тоҳирхожа ўзининг жуда қимматли тарихий асари "Самария"да Маҳдуми Аъзам бора-сида жуда тўқинчи-лиқ қалам тебратди. "...Даҳбедлик Маҳдуми

Аъзам деб машҳур бўлган Мавлоно Хожағийнинг аспорти Фарғона вилоятига ва Андиқонга қаршли Косон кентадур, — деб ёзади тарихчи. — У ўша ердан кўчиб Даҳбед кишлоғига келиб ўрнашди. Бу киши кўтб ул-аброр хожа Убайдулло Аҳрорнинг муриди бўлган ҳўзрат мавлоно Муҳаммад қозини муриди эди. Ҳўзрати Маҳдуми Аъзам жанобларининг макомот, ҳўлат ва қароматлари шундай-ким, бу нодоннинг қалами уни таҳрир ва таҳрир қилишга оғижлик қилади. У кишининг макомотлари ҳақида машҳур китоб бўлиб, унда ҳам у зотнинг ҳўлатлари қисқа ёзилган..."

Тадқиқотчиларимиз Маҳдуми Аъзам саксон ёш умр кўрган, деб ҳисоблайдилар. Ҳўзратнинг бир байтида ҳатто бу ҳақда ёзилган ҳам экан:

Хаштод сол халқа задам бар дори умед, Хоки би кафф гирифтам ва навмид мераван...

Мазмун: Саксон йил умид эгилни қокдим-у. Кўлимга тўпроқ олиб ноумид кетмоқдаман...

Ҳўзрат Маҳдуми Аъзам албатта ноумид кетмади, унинг ортида қўлпаб шоғирдлари қолди. Шоғирдларининг ичиде эса энг қадрииси Мавлоно Лутфуллох Чустий эди.

Маҳдуми Аъзам хали ҳўятлик чоғларидаёқ издохларда ва анжуманларда муридларга доим: "Биздан кейин сизларга Мавлоно Лутфуллох етакчилик қилади" — деб тақдорлашдан чарчамасдилар. Бу жумла мардумга маълуму машҳур эди. Маҳдуми Аъзам сулоки шоғирдига ўз кўллари билан ўн марта "Иршоднома" ёзиб, тасдиқлаб, тасавуф тариқатига раҳбарлик қилишга фотиҳа берган эди.

Шу сабабдан ҳам у Маҳдуми Аъзам вафотидан сўнғ ҳақли равишда хожагонлар тариқатига етакчилик қилишга киришди. Ушбу тариқат ўзининг мустақкам ҳўятий асослари билан қудратли эди. Унга кўра, инсон Худого тоат-ибодат қилиш билан бирга, ҳалол меҳнат чекмоғи керак. Уз ризқини пешона тери билан топмоғи лозим, тариқдунёчилик этишдан бутлоқ ўзини тийсин...

Мавлоно Лутфуллох Чустийнинг юрда обрў-эйтибори катта эканлигини қуйидаги маълумотлардан ҳам тасаввур қилиш мумкин. Мавлононинг қўеви Хожа Исҳоқ Валий бир неча марта Хиндистонга сафар қилади ва хожагонлар билан бобурийлар ўртасида Маҳдуми Аъзам ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур замоналарида бошланган пир муридлик ришталарини мустақкамлаб давом эттиришга сай-ҳаракат кўргизди...

(Давоми келгуси сонда)

Шифобахи қисмликлар СУТЧЎП

Сутчўп хоҳ хом бўлсин, хоҳ қайнатилган бўлсин, уйқуни келтиради ва уйқу-сизликни кетказди; босинқирашда, бошни офтоб уришдан ҳимоя қилади. Шунингдек, у буруннинг икки тешиги битиб қолишига ҳам даводир.

Чанқовга, меъда иссиқлиги ва яллиғланишида фойдалидир. Бог сутчўпи меъда учун яхши ва у тез ҳазм бўлади, уни сирка билан ишлатилса иштаҳани очади. Уни истеъмол қилиш сариқ касалига ҳам фойда қилади.

САДАРАЙҲОН

Шираси томзилса, айниқса узум сиркаси билан пилта қилиб бурунга (тиқилса) бурундан қон кетишга қарши фойдалидир. Кўзга тортилса, кўзни кучли қилади. Суртмаси кўз лўқиллашига фойда қилади.

Юракни жуда кучли қилади. Упка ва кўкракни қуритади. Суви қон тўғлашда фойда қилади ва сутни кўпайтиради.

Ични тўхтатади. Уруғи қийналиб сийишда фойда қилади.

СЕМИЗЎТ

Таъсирда энг кучли қисми унинг ширасидир. Бу билан сўгалларни қирадилар.

Уни шаробга аралаштириб бош ювилса, бошдаги тошмаларга фойда қилади. Дағаликни силлиқлайдиган хусусияти билан тиш қамашганини кетказди. Лўқиллайдиган иссиқ бош огриғини босади.

Кўз яллиғланишида, меъда яллиғланганида ижобий таъсир кўрсатади. Яллиғланган жигарга ҳам фойда қилади ва сафро қусишини тўхтатади.

У, буйрак ва қовуқ оғриқлари ва уларнинг яраларига даводир. Семизўтни қовуриб ейилса, ич суришини тўхтатади.

САБИР

Асал билан кўшиб уришдан қолган изларга кўйилади, яраланадиган милкани битиради. Шароб билан кўшиб тўкилаётган сочга кўйилса, унинг тўкилишини тўхтатади.

Бўғин оғриқларига фойда қилади. Бошни сафровий чиқиндилардан тозалайди. Агар гул ёғи билан кўшиб, пешона билан чаккага суртилса, бош огриғини қайтарди ва уни тўзатади. Бурун ва оғиз яраларига фойда қилади.

Кўз яраларига, кўтирга, оғриқларга ва кўз ички бурчагининг куйиб ачишишига фойда қилади ҳамда унинг рутубатларини қурилади.

Сабирдан икки қошиқни совуқ ёки илқ сув билан ичилса, меъдани шиллиқли ва сафровий чиқиндилардан тозалайди...



Мурғак қалбда акс этар олам...
Наталья Семёнова олган суратлар.



Маънавий масканларда

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти мустақиллик йилларида бир қанча халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Жумладан, Халқаро тўқимачилик Академияси (1995 й.), Матбаачи олий ўқув юртлиари Халқаро Ассоциацияси (1996 й.), Халқаро Ипак уюшмаси (1997 й.).

Хорижий мамлакатлар билан алоқалар борасида Европа Иттифоқи Комиссиясининг ТЕМПУС-ТАСИС дастури лойиҳасида қатнашиб, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари Германия, Бельгия, Греция каби давлатларда, шунингдек, АКШ, Япония, Англия, Швеция каби қатор ривожланган мамлакатларнинг нуфузли университет ва институтларида малакаларини ошириб келмоқдалар. Бу эса уларга энг замонавий кўйма корхоналарда нафақат ишлаб кетиш, балки уларни ривожлантириш ва технологик жараёнларни янада такомиллаштиришда бемалол иштирок этиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

Институтимизнинг халқаро грантларда голиб чиқишлари аънамага айланиб бормоқда. Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами туфайли жамоамизга 2002 йилда 4 миллион АКШ доллари миқдоридидаги грант

ажратилиши асосида институтимизга замонавий ўқув жиҳозлари, лаборатория ускуналари, сертификация Маркази, энг замонавий компьютер синфлари, аудио ва видеосинфлар ташкил этилди. Профессор-ўқитувчиларимизнинг ҳам алоҳида-алоҳида грант соҳиблари бўлиши халқаро алоқаларимизни янада мустаҳкамламоқда. Жумладан, НАТОнинг «Фан тинчлик учун» номли, миқдори 200 миң долларлик гранти (профессор Ж.Ақбаров), информацион технологиялар буйича Корея давлатининг Сан-Му университетининг 31500 АКШ доллари миқдоридидаги гранти (аспирант Б.Усмонхўжаев), Грециянинг Пирей технология институти гранти (аспирант Д.Иноғомонов), Бельгиянинг Гент университети Гранти (аспирант Н.Хонхўжаева), Англиянинг Хаддерсфилд университети гранти (доцент А.Фуломов, профессор К.Эргашев, доцент И.Набива)ни эгаллашиб, ана шу

грантлар асосида хорижий мамлакатларнинг йирик ва нуфузли олий ўқув юртлиарида малакаларини ошириб қайтидилар.

Яқинда яна бир халқаро ҳамкорларимиз — «Gerbe» (АКШ) ва «Grispin» (Англия) фирмалари 42750 доллар миқдоридидаги кийим ва пойабзални автоматик лойиҳалаштиришга мўлжалланган янги ускуналарни институтимизга тақдим этдилар.

Тақдимот маросимида «Gerbe» фирмасининг савдо менежери — Улдрих Мателло, «Glengo tekstil» компаниясининг президенти М.Айкут Вурал ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг масъул ходимлари, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.

Шунингдек, Германиянинг «Sauer Czech» фирмаси институтимизнинг йигирув технологияси кафедрасига 60000 доллар миқдоридидаги «NSB-33» маркали пневмомеханик йигириш машинасини тақдим этдилар.

Бу халқаро алоқалар янги инвестициялар олишга манба бўлиб хизмат қилади ҳамда Республикаимизнинг тўқимачилик ва энгил саноат корхоналарининг иқтисодий ривожланишига замин яратади.

Абдусаттор АБДУГАФФОРОВ,
Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг маънавий маърифий масалалар буйича биринчи проректори.

Маънавий

Фойдали мулоқот

Ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланган маҳалла ўз ҳудудда яшовчи фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни комил инсон сифатида тарбиялаш каби масалаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида сифатида муҳим роль ўйнамоқда.

Ана шундай маҳаллалар қаторига Акмал Икромов туманидаги «Богистон» маҳалласини мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Маҳаллада 6600 нафардан зиёд аҳоли бўлиб, ўзбек, рус, корейс миллатларига мансуб кишилар аҳил-баҳамжihatликда истиқомат қилиб келишмоқда. Уларнинг тинч-тоғув, биродарликда яшашини маҳалла оқсоқоли Баҳодир ака Муҳитдинов ҳамда у билан бирга яқин бўлиб фаолият кўрсатаётган Гулистон Қундузова, Ўктамхон Ортиқова, Хуршида Эргашева каби бир қанча фаолларнинг хизматлари катта. Чунки маҳалладаги бирор-бир тadbир уларсиз ўтмайди.

Қуни кеча маҳаллада диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига бағишланган тadbир уюштирилди. Tadbирда сўзга чиққанлар ислом дини ва унинг амаллари тўғрисида қизиқар-

ли маърузалар қилдилар. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олдилар. Маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Гулистон Қундузова хотин-қизларимизнинг диний ва ахлоқий томондан юксак тарбияли бўлишлари ҳозирги кунда асосий вазифаларимиздан бири эканлигини таъкидлаб ўтди.

— Ёшларнинг турли оқимларга кириб кетишларининг олдини олиш мақсадида маҳаллалар тартибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, уларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлаб, келгусида етук муваҳасис бўлиб етишишлари учун маънавий-маърифий тadbирларни тез-тез ўтказиш керак, — дейди биз билан суҳбатда «Богистон» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар буйича маслаҳатчиси Ўктамхон опа Ортиқова.

Мухлеса МҶМИНОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази олий маълумотли мутахассисларни услубчи, бўлим бошлиғи ва техник ижодиёт йўналишида тўғарақ раҳбарлари лавозимларига танлов асосида ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзилимиз: Собир Раҳимов тумани, Қорасарой, 3.Бобохонов кўчаси, 13-а уй. 42, 43, 109, 111-автобусларнинг «Қорасарой» бекати.

Маълумот учун телефонлар: 48-11-71, 48-52-59, 48-52-69, 148-08-16.

ТОШКЕНТ ОҚИШОНИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Спорт

**ТЕРМА
ЖАМОАМИЗ
— КУЧЛИ
ТАРКИБДА**

Маълумки, келаси йили Германияда футбол бўйича ўтказиладиган жаҳон чемпионатида саралаш турнири иккинчи bosқичини мамлакатимиз чарм тўп усталари охириги ўйиннинг натижасидан қатъи назар муваффақиятли ақунлашди.

Бугун «Пахтакор» марказий стадионида Хитой Тайпей жамоаси билан Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари ўртасида саралаш bosқичининг сўнгиги ўйини бўлиб ўтди.

Шуни айтиш кераки, бугунги учрашув чарм тўп усталаримиз учун келаси йилнинг февраль ойида бошланадиган халқ килувчи сўнгиги bosқич олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди. Шу сабабдан асосий масала халқ этилган бўлса-да, терма жамоамиз раҳбарияти сўнгиги ўйинга жиддий тайёргарлик қўрди. Жумладан, Россия ва Украина чемпионатларида тўп сураётган энг кучли легионер футболчиларини ушбу ўйинга жалб этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, футбол ишқибозлари майдонда Миржалол Қосимов, Андрей Фёдоров, Андрей Ақоянц, Николай Ширшов, Владимир Маминов каби чарм тўп юлдузларининг маҳоратидан яна бир бор баҳраманд бўлишлари мумкин.

Биз мавсум ақундаги ушбу кизикarli ўйинда футболчиларимизга омад тилаймиз.

**ФИНАЛ
БАҲСЛАРИ
МУРОСАСИЗ
КЕЧДИ**

Вьетнам пойтахти Ханой шаҳрида ўсмир бoксчилар Осиё чемпионатида баҳс юртишди.

Турнирда китъанинги 17 мамлакат вакиллари қаторида юртимизнинг чарм кўлбоқ усталари ҳам галаба учун кураш олиб бoришди.

Шуни айтиш кераки, чемпионатда тўққиз нафар ўсмирларимиз иштирок этган бўлса-да, улардан уч нафари — 50 килограммгача вазнда Ориф Тошматов, 52 килограммгача спортлар ўртасида Баҳром Эрдонаев, 81 килограммиллар ўртасида Умид Тожибовлар финал баҳсларида рақибларидан мағлубиятга учраган холда кумуш нишонларини қўлга киритишди. Яна бир вақилимиз Носир Ортиков эса учинчи бўлди.

(Ўз муҳбиримиз)

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси ва раҳбарияти Тошкент шаҳар Стандартлаштириш ва метрология бoшқармасининг бoшлиги Холида Йўлдошевна Бабажановага онаси

Зебиҳон ая АҲМЕДОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиланди.

Ана шу етмиш икки томирида туғма билгичлик қони оқадиган халқ орасида юриб, кўпича шундай гапни эшитиб қола-риб:

- Фалончини танийсанми?!
- Ҳе-е, таниганда қандоқ!
- Бечора ёмон қарибди-да...

«Ёмон қариш...» Демак, кексалик мезонид шундай одил баҳо ҳам бор экан-да! Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган «Ўртоқ, Бойкенжаев» номли кинотасмада шундай эпизод бор:

— Ёмон қарибсан, Бойкенжаев! Жудаям ёмон қарибсан...

Биз фикр юритмоқчи бўлган мавзу доирасида ҳам ана шундай ёмон қариган инсон қисмати ўз ақсини топади. Холмурод Қудратов ана шундай ёмон қариб, кексалик қирови бошини оқартирса-да, унга парво ҳам қилмай юрганлардан бири. Одатда ёш бўгин қатта авлоддан ниманидир ўрганиш, нималардандир ўрнак олиш илинжида яшайди. Х.Қудратовнинг ёши олтимишда. Лекин унда ёшларга намуна сифатида кўрсатгулик бирор сифатни айтиш қийин.

У хаёти давомида 4 маротаба судланган. Лекин Яратганининг ўзи ақл аталмиш гавхарни бандасига бўлиқроқ тортиқ эт-маса, оқибати қийин бўларкан. Шунинг учун ҳам кексалар: «Ақлу худшдан айр-масин», дер экан-да. Хуллас, Х.Қудратов, шу йилнинг 14 февраль куни соат 13.30 ларда «Чорсу» деҳқон бозорига боради. Хотини уйдан чиқаётганида унга озгина пул берган, рўзгорга озиқ-овқат махсу-лотлари харид қилишни тайинлаганди. Аммо у эски шишадоши Эркинни учра-тиб қолди-ю, нияти ўзгарди. Иккаласи бошини-бошига қўйишиб, роса отлаш-ишди (бозорликнинг пулига). Қудратов соат 17 ларда уйига маст ҳолатда қайта-ётганида Шайхонтохур тумани, «Қоратosh» маҳалласи, Оқунбобоев майдони, 1 ва 2-

уйлар яқинида жойлашган «Хуромад» дўко-ни яқинида савдо қилувчи Шоҳида Толи-повани, унинг ҳали вояга етмаган ўгли Собиржонни, Толипованинги яқинларидан бири — Мавлуда Латиповаларни овқатла-наётган пайтда қўриб қолади.

Ва ҳе — йўк, бе — йўк, уларни ҳақорат-лай кетади. Мастлик оқибатида жамоат жойларида сақланадиган тартиб-қоида-

қон сизаётган Шоҳида қўркувдан дағ-дағ титраётган ўглига қарата:

— Собиржон! Болам, қоч! — дея ола-ди-ю, сўнгра худшдан кетади.

Инсонийлик қиёфасидан чиқиб, қутур-ган махлукдек ўзгидан мосуво бўлган Қудратов энди қўлида пичоқ билан ҳали вояга етмаган гўдақнинг изидан қувлай кетади. Ҳалиям инсон хаётида бахтли та-содиқлар бор. Собиржон жон талвасасида югуриб кетаётгани-да қаршисидан тоғаси И.Ярбе-ков чиқиб қолади ва жисмоний имкониятлари устуи келиб, жи-ноятчининг қўлидаги пичоқ тор-тиб олинади ҳамда милиция хо-димларига хабар берилади.

Бўлиб ўтган ноҳус воқеадан жароҳат олган иккала аёл ҳам шаҳар 1-сонли клиник шифохо-насига келтирилади.

Суд-тиббий экспертизаси-нинг хулосаларига қўра, Ш.То-липовода ўнг кўкрак қафасининг ўпка қис-мини жароҳати қайд этилиб, бу оғир тан жароҳати ҳисобланади. М.Латиповода сан-чиб кесилган (тиқилган) яра мавжудлиги аниқланди ва у энгил тан жароҳати сифа-тида қайд этилди.

Судланувчи Х.Қудратов томонидан со-дир этилган қонунбузарлик Жинийи ош-лар бўйича Тошкент шаҳар суди очик мажлисида қўриб чиқилди. Суд ҳукмига қўра, Х.Қудратовга нисбатан сурункали ичкиликбозлик ҳасталигига йўлқўнлиги сабабли тиббий йўсиндаги мажбурий даволаниш чораси қўлланиладиган бўлди. Бундан ташқари у Ўзбекистон Респуб-ликаси Жиноят Кодексининг 25-97-модда-си 2-қисмида қўзда тутилган бандлари билан айбдор деб топилди ва ўн беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

Саодат МИРСАГАТОВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси.
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист.

Ҳукм қилиди

**ЁМОННИНГ КУЧИ
ЯПАЛОҚҚА ЕТДИ**

Халқимиз доғнишманд. Бўлмаса атоқли шоиримиз: «Буюкларга баҳш этган даҳо, Она халқим, ўзинган буюк», — дея фахр-ла, сатр битмасди.

ларни жиддий равишда бузади. Шунда сабри чидамаган Шоҳида Толипова унга: — Амаки, кетақолинг, биз сизга ҳеч нима демасдик-ку?! — дейди.

Бу гап Қудратовнинг липиллаб турган «олов»ига мой селгандай бўлади. Ҳатто ёнидан пичоқ чиқариб, уларга қарата:

— Мен билан ўйнашмаларинг, мана буни тиқиб оламан, — дея очикдан-очик таҳдид қилади.

Яна ортиқча гап-сўз... Ҳақорат... Бақир-чақир...

...Кўзи қизил қонга тўлган Қудратов қўлидаги пичоқ билан Шоҳида Толипо-ванинги устига бало-қазодай ёпирилгани-да вақт ўтган, саросимага тушган аёл ўзини ўнгалмай олмагани боис ароқхўр қўлидаги тиг унинг кўкрагига санчилган-ди... Энди навбат яна бир жабрланувчи — Мавлуда Латиповага қаратилган эди. У ўзининг фуқаролик бурчини адо этиш мақсадида энгашиб, дугонасига ёрдам бераётган бир пайтда, ўткир пичоқ унинг орқасига келиб қадалади... Кўкрагидан

Самбо

**ЎСМИРЛАР МАҲОРАТ
КўРСАТИШДИ**

Шаҳримиздаги «Динамо» спорт залида 1992-1994 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида «Динамо» спорт-соғломлаштириш жамияти-нинг очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақада 26 килограммдан 56 килограммгача бўлган ўнта вазн то-ифасида 80 нафар ёш самбoчи гала-ба учун кураш олиб борди. Шуни айтиш кераки, ушбу мусобақа энди-гина ўсиб келаётган ўсмирлар учун ўзига хос маҳорат мактабини ҳам ўтади, десак адашмаймиз. Зеро, кўпчилик ёшлар бундай даражада-ги мусобақада илк бор қатнашиш-ди.

35 килограммгача вазнда Ерлан Ибрагимов ўзини кўрсатди. Самбо билан атиги бир йилдан буён шу галабаётгани ва бу унинг спорт хаётидаги учинчи мусобақа эканли-гига қарамай Ерлан финал белла-шувини рақибидан қатта устуилик-



да ўтказиб, бир қатор усулларни ўринли қўлади ва чиройли галаба-га эришди.

29 килограммгача вазнда эса Станислав Любченкога омад қилиб бoқ-ди. Унинг рақибига гиламга чиқмаган-лиги сабабли Любченко ўз вазн то-ифасида голиблар сафини бошқар-ди.

Энг муҳими, очик биринчилик самбога эндигина кириб келаётган ёш спортчиларга тажрибали тенг-дошларидан маҳорат ўрганиш, му-собақа руҳини ақиндан ҳис этишига қатта кўмак берди.

Шундай қилиб, финал баҳсларидан сўнг қуйида-ги спортчилар ҳурмат шоҳ-суласининг энг юқори по-ғонасини забт этишди: Ш.Ибрагимов, Р.Абдуво-ситов, Е.Калдибаев, И.Му-родов, З.Жамолов, Н.Иш-матов, Д.Мавлонов, Т.Тур-димуротов. Голибларга дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: очик биринчилик беллашув-ларидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.



Қарқара

Диккенс балиқ овига муккасидан кетган ишқибоз бўлган. У сувга қармоқ ташлаб қўйиб, қирғоқда ўтириб хордиқ чиқаришни ёқтирган. Шундай кунларнинг бирида нотаниш киши унга яқин келиб, анъанавий сўроқ-ни беради:

— Қалай, тортаптимиз?

— Ҳа, мен ҳозир келдим, — дейди ҳеч нарсадан бе-хабар ёзувчи. — Лекин кеча шу ердан ўн бешта мана бундай форель балиғидан тутганман.


— Э-ҳа, шунақами?! — жиддий тус олади нотаниш киши. — Биласизми мен кимман? Мен балиқчилик инспектор бўлман. Бу томонларда, биродар, балиқ ов-лаш қатъиян ман қилинган.

Инспектор расмийлаштириш учун киссасидан жари-ма қозғини чиқаради.

— Ховликманг! — дейди Диккенс пинагини бузмай, — сиз танимадингизми ўзи, мен кимман? Мен Чарльз Диккенс бўлман, машҳур ёзувчи, романнаввисман. Оғзимдан беҳосадан чиқиб кетган ёзувчининг фантазиям учун жарима солинамса керак-ов!

Таниқли физик Отто Фриш ўзининг эсдаликларидида ёзишча Эйнштейн юмшоқ табиатли шахс бўлгани са-бабли сиймосини тасвирилади истаган қўлдан-қўп су-раткашлар, расомлар ва хайкалтарошларнинг илтимос-ларини ҳеч қачон рад қилмас экан. Турли ҳолатда улар қаршисида туриш олимнинг қўп вақтини оларкан. Тасо-дифий танишлардан бири ундан қасбини сураганда:

— Натурачилик — менинги асл қасбим, — деб жавоб қилган экан олим куйганидан.



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақми — 2 босма табоқ оғсет усулини бошқаш.

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Напр кўрсатқичи — 563

Нашири етказиб бeриш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўғимларига ёки «Тошкент почтаэтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишни мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида тартиб ва сақланилади.

«Шарқ» нашриёт-маъсба оқидорлик компанияси бошқармаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.